



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2007 йил
22 декабрь
ШАНБА
№ 102
(12.009)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасида 20 декабрь куни "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг фермер ҳўжаликлари билан давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлашга доир қисмининг ижро этилиши муҳокамасига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида теран таркибий ва тузилмавий ўзгаришлар рўй берди. Қишлоқ ҳўжалигини ислох қилиш, ишлаб чиқариш ва бозор инфра-тузилмасини барпо этиш юзасидан қўйилган йилларда қабул қилинган чора-тадбирлар қишлоқда мулкдорлар синфини шаклланишида, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари кўпайиши ва қишлоқ ахлининг даромадлари ортишида мададкор бўлди.

Илгариги ширкатлар ўрнида ташкил топган фермер ҳўжаликлари қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шакли бўлиб қолди. Уларнинг самарали фаолият олиб боришини таъминлаш мақсадида қисқа муддатларда минибанклар, мўқобил машина-трактор парклар, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил қилинди, ёнлиқ-мойлаш материаллари ҳамда минерал ўғитлар билан таъмин этишчи бўлиб пунктлар барпо этилди. Фермерларга кредитлар ажратиш ҳамда уларга лизинг асосида замонавий қишлоқ ҳўжалиги техникасини етказиб бериш ишлари муваффақиятли тарзда йўлга қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида"ги, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ветеринария тўғрисида"ги, "Наслчилик тўғрисида"ги, "Лизинг тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар қишлоқ ҳўжалиги, шу жумладан, фермерлик ривож топишида асос бўлаётган норматив-ҳуқуқий базага айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ерларнинг мелiorатив хoлатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эхтиёжлари учун қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер ҳўжаликлари қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори шу йўналишда янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, камҳосил ерларда давлат эхтиёжлари учун қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиратган фермерларни давлат йўли билан самарали қўллаб-қувватлаш учун пухта замин бўлиб қолди.

Мамлакат Давлат бюджетини қабул қилиниб, унда суғориладиган ерларнинг мелiorатив хoлатини тубдан яхшилаш ҳамда

ҳосилдорлиги юқори бўлмаган ерларда ишлаётган фермер ҳўжаликлари қўллаб-қувватлаш учун аниқ мақсадга йўналтирилган маблағлар белгиланиб, уларни молиялаштиришнинг аниқ манбалари белгиланган бўлиб қўйилганлиги фермерлик ҳаракатини ривожлантириш тўғрисида давлат томонидан қилинган доимий ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Узоқ муддат фойдаланиш учун ер олган фермер ҳўжаликлари давлат органларининг доимий мададини ҳис этиб, ерга ва суғориладиган сувга тежамкорлик билан муносабатда бўлишга, агротехниканинг янги усуллари қўлланишга, янада юқори ҳосил олишга муваффақ бўлмоқда. Жорий йилда ғалла ва пахтадан рекорд даражасида ҳосил олинди. Мамлакатимизда 6 миллион 250 минг тонна бугдой, 3 миллион 600 минг тоннадан ортиқ пахта етиштирилди. Давлат томонидан мудом қўллаб-қувватлаб келинаётганлиги, деҳқон ва фермерларда мулкдорлик тўғрисида қўйилган бораётганлиги, улардаги меҳнатга ҳалол ва виждонан муносабат, фаол ҳаётий позиция, манфаатдорлик ва масъулият, умумий ишга дахлдорлик тўғрисида ана шу ютуқларга эришишда асосий омил бўлди.

Қўмита мажлисида сенаторлар "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Марказий банк ва тармоқ банклари, "Ўзкимёсаноат", "Ўзнефтьмаҳсулот", "Ўзқишлоқҳўжаликмаҳсулоти" компаниялари, "Ўзагромушхўрлик" ҳамда ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмалари бўлиминларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бошқа вазирлик ва идораларининг ҳудудий тузилмаларида ижро этилиши тўғрисидаги ахборотларни тинглаб, фермер ҳўжаликлари банк хизматлари, ёнлиқ-мойлаш материаллари, эхтиёт қисмлар, чорва озуқаси, айниқса кунжа ва шулача билан таъминлашда фойдаланилмаган захира ва имкониятлар борлигини таъкидлаб, улардан фойдаланишга оид, шунингдек, минибанклар ишини янада такомиллаштириш, уларни зарур компьютерлар ҳамда алоқа воситалари билан таъминлаш юзасидан тақлифлар билдирди.

Тадбирда сенаторлар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, фермер ҳўжаликлари уюшмаларининг раҳбарлари, йирик фермер ҳўжаликлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ў.А.



АҲДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД

Ўртбошимиз томонидан 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилинишининг мазмун-маъноси чуқур, мақсади кенг қамровли. Биз демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлаб, шу эзгу мақсад сари собитқадамлик билан интилоқдамиз.

Бу йиллар синоидан муваффақиятли ўтиш талаб этиладиган мураккаб, аммо, шу билан бирга жуда шарафли вазифа. Кучли иқтисодий салохият ва ҳар томонлама фаровон ҳаётга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг пировард натижаси ана шу вазифани қай даражада адо этишимизга боғлиқ.

Бу ҳаётий муҳим вазифа Истиқлол тенгдоши бўлган, бугун катта ва мустақил ҳаётга қадам қўя бошлаган ёшларимиз зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Таъкидлаш жоизки, келгуси йилни

Ёшлар йили деб эълон қилинган асосий мақсад, бугунги ўзгаришлар, янгилашларнинг, ҳалқ фаровонлиги учун ўтказилаётган ислохотларнинг давомчилиги бўлган ёшларнинг илми, билими, ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб улғайишлари, барча жабҳалардаги яратувчан меҳнат жараёнларида фаол ва самарали иштирок этишлари учун кенг имконият яратиб беришдир. Зеро, 30 ёшгача бўлган фуқаролар умумий аҳолининг қарийб 40

фоизини ташкил этади. Бу катта кўч.

Ҳозир ана шу катта кучни жамиятимиз ҳаётида ҳал қилувчи кучга айлантириш учун тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида махсус дастур ишлаб чиқишга киришилди. Ўртбошимиз сўзлари билан айтганда "... фарзандларимизга нафақат ишонч, билдириш, бақли уларга ўзларини амалда намоеън этишлари учун майдонни кенгайтириш керак".

Ўзбекистон кўзи оғизлар жамиятининг ташкил этилганига 75 йил тўлиши муносабати билан Янгийўл шаҳрида катта анжуман бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, республика Вазирлар Маҳкамаси, Меҳнат

ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, "Нуроний" жамғармаси, енгил, мебель саноати ва коммунал маиший хизмат тармоқ қасаба уюшмаси вакиллари иштирок этишди.

УЛАР ДОИМО ЭЪЗОЗДА

Анжуманда таъкидланганидек, жамият дастлаб ўзини жойлардаги маҳаллий округ бўлими, кичик цехлар ва ҳунармандчилик устaxonаларида бошлаган бўлса, эндиликда унинг таркибидан 12 та вилоят бошқарувлари, 51 та

ўқув-ишлаб чиқариш қўмиталари, дам олиш масканлари, болалар оромгоҳлари, маданият ва реабилитация марказлари, юзлаб тўғарақлар, интернет-мактаблар ва касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда.

Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, меҳнатга яроқлиларига иш-ўнганлари яратилишда салмоқли натижаларга эришилаётганлиги қайд этилди.

Феруза Тўраева.

Қурбон ҳайити муносабати билан Мўқимий номидаги мусиқали драма театрида хайрия тадбири ўтказилди.

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ

Уни Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Учрашувда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг маҳалла маслаҳатчилари, ёш келин-куёвлар, қайноналар, ибратли сила вакиллари, фаол ва фатхрий аёллар ҳамда ҳам таъминланган оила аъзолари иштирок этди.

Ушбу тадбирда "Бобур соғинчи" номли тарихий асар асосида сахналаштирилган спектакль намойиш этилди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, "Туркистон-пресс".

Қарор Ва ижро

АҲОЛИ ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ХИЗМАТИДА

Мамлакатимизда зотдор, сермахсул чорва молларини кўпайтириш, ҳўжаликлари омухта ем ва ширала озуқа билан таъминлаш, уларга зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорва молларини кўпайтиришнинг раббатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича Тошкент вилоятида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилаётган. Айни пайтда вилоятда аҳоли ва фермер ҳўжаликларида 159 та зооветеринария пункти хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида улар томонидан аҳоли ва фермерларга 239 миллион тўрт юз минг сўмликдан ортиқ зооветеринария хизмати кўрсатилди.

Бундан ташқари, урта ҳусусий зооветпункт ҳам ишлаб турибди, дейди вилоят ветеринария бошқармаси бошлиғи Дилшод Саидқуллов. — Уларнинг фаолият юритиши соғлом рақобатни вужудга келтирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга кўмаклашади.

Вилоятда четдан наслдор молларни олиб келиш ва кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шу йил Голландия ва Хитойдан 846 бош насли қорамол олиб келинди. Айни пайтда

улар Чиноз туманидаги "Баррака", Қўйчиқирқ туманидаги "Азиягроальянс", Юқориқирққ туманидаги "Тано" фермер ҳўжаликларида парваришланмоқда.

Ана илдан бери шу соҳада ишлайман, дейди Янгийўл туман давлат ветеринария бўлими бошлиғи Саидқарим Аскарлов. — Илгари зооветеринария хизмати кўрсатиш ишлари талабга жавоб бермас эди. Бунга кўпинча керакли жиҳоз ва дори воситаларининг етишмаслиги сабаб бўларди. Ўртбошимизнинг маъзур қарори бу борадаги муаммо ва камчиликларни бартараф этишга йўл очиб берди. Ушбу ҳужжатга асосан туманимиздаги зооветпунктлар барча зарур жиҳоз ва дори воситалари билан таъминланди. Янгилири қурилди. Бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тумандаги барча қорамол ва бошқа ҳайвонлар оқсил, куйдириги, қорасон ва бошқа хавфли касалликларга қарши эмланди. Бундан ташқари қўшончаларнинг санитария ҳолати замонавий талаблар даражасига келтирилмоқда. Холмурод САЛИМОВ, Ў.А. муҳбири.

ЙИЛ ЯКУНЛАРИ САРҲИСОБИ

Пойтахтимизда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фондининг 2007 йилдаги фаолияти яқунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳамоллигида амалга оширилаётган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишдек масъулиятли жараёнда нодавлат-нотижорат ташкилотлар ҳам фаол қатнашаётгани таъкидланди. Шу боис мамлакатимизда бундай ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бугунги кунда жамоат ташкилотлари таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, ҳуқуқ, хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда.

2006 йил октябрь ойида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Меҳр нури" хайрия жамғармаси ва бошқа бир қатор нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида таъсис этилган Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялашга асосий эътибор қаратиб келмоқда. Йил давомида фонд томонидан бир қатор ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар, дастурлар амалга оширилгани бунинг далилидир. Соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий инфратузилма, экология,

аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини аниқ ва манзилли ҳимоялаш тизимини тобора ривожлантириш мазкур жамоат ташкилоти фаолиятининг устувор йўналишларидандир.

Ўтган вақт мобайнида фонд фарзанд кўриш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, мактабгача ва умумтаълим масканларида махсус — инклюзив таълимни ривожлантириш, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, Оролбўйи ҳудудидида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга оид бир қатор лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширди.

Анжуманда маъзур ташкилотнинг 2008 йили — Ёшлар йилидаги фаолият режаси, жумладан, ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, ҳомий ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорликни кўчатиришга оид истиқболдаги ишлари режаси белгиланган бўлибди.

Тадбир доирасида "Меҳр нури" хайрия жамғармасининг Тадбиркор аёллар учун оилавий грантлар дастури ҳамда Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси глобллари сертификатлар топширилди.

Назозат УСМОНОВА, Ў.А. муҳбири.

ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК КАФОЛАТИ

Конституциямиз давлатимизнинг нафақат бугунги қиёфасини, балки келажакни ҳам белгилайди, юртимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, барча жаб-

ҳаларда муваффақиятларга эришиш ва халқро майдонда Ўзбекистоннинг нуфузини оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, аёлларни улуглаш, уларни ҳаётимиз чироғи, гули деб аташ орқали ўз оиламиз, Ватанимизни улуглаймиз.

Шуниси қувонарлики, давлатимиз хотин-қизларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун ҳар томонлама ёрдам бермоқда, ғамхўрлик кўрсатмоқда. Шу боис истиқлол йилларида жамиятда аёлларнинг ролини ошириш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида, иқтисодийётини барча жабҳаларида истеъдодини рўёбга чиқариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Фермерлик, кичик бизнес, ҳусусий тадбиркорлик каби соҳаларда хотин-қизларимизнинг фаоллиги тобора ортмоқда. 1999 йилнинг Аёллар йили деб эълон қилинган эса Оила йилининг мантқиқий давоми бўлди. Бу йиллар мустақил давлатимиз соғломсоясида оила, инсон ва жамият манфаатлари устуворлиги эълон қилинган давр сифатида кирди.

Бу борада қабул қилинган кўпгина дастурларда соғлом оилани шакллантириш, ёш авлоднинг тарбиялаш борасидаги асосий йўналишлар белгиланган бўлибди. Улар оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада энг яхши аъзоларни янада кўпайтиришга қаратилди. Зеро, маънавият, маданият, миллий урф-одатларни ҳурмат қилиш бугунги кунда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг асосий ҳусусиятларидан бири ҳисобланади.

Ижтимоий дастурлар моҳияти энг замонавий асос-уқуналар билан жиҳозланган ўнлаб замонавий турмушхона маҳмуалари, хали дунёга келмаган гўдакнинг саломатлигини аниқлай оладиган кенг тармоқли скрининг-марказлар фаолиятида, давлат ва хайрия жамғармалари томонидан болалар шифохоналарини дори-дармон билан ўзлуксиз таъминлашда ўз ифодасини топмоқда. Репродуктив ёшдаги беш миллион нафардан ортиқ аёл ва олти ёшгача бўлган болаларнинг қарийб

98 фоизи тиббий қўриқдан ўтказилди. Бу, ўз навбатида, давлатимиз томонидан ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик ифодасидир.

Шулар қатори, нияосига етаётган ҳарорий Ижтимоий ҳимоя йили ҳам мустақил мамлакатимиз тарихида ўзига хос ўрин тутди. Бу йилда ёлғиз қариялар, ногиронлар, ота-онаси йўқ болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш давлат сиёсати даражасига қўтарилди. Зеро, эзгулик, меҳр-муруват, хайр-саховат каби тушунчалар ҳар доим ўзбек халқига хос бўлган ҳақиқий миллий қадриятлардир. Бу эзгу тушунчалар хотин-қизлар, қариялар, болаларни ҳурмат қилиш, энг яхши миллий аъноаларини янада кўпайтириш ва оила асосларини қадрлаш каби халқимизга хос бўлган дунёқарашини ажралмас қисмига айланди, инсон ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлайдиган Конституциямиз асосида мустаҳкамланди.

Президентимизнинг 2008 йили Ёшлар йили деб эълон қилинган ҳам чуқур рамзий маънога эга. Чўки ёшлар — мамлакатимиз келажакли, халқимизнинг таянчи ва суянчидир. Ёшларнинг ҳаётий устувор қарашлари ва ижтимоий нуқтаи назари, уларнинг янги демократик жамият барпо этишдаги ўз ўрнини англаши бу борада муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини намоеън этиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Шубҳасиз, келаятган янги йил ушбу хайрли ишларни амалга оширишда янги, юқори босқич бўлади. Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги ва эртанги кун тармоқли скрининг-марказлар фаолиятида, давлат ва хайрия жамғармалари томонидан болалар шифохоналарини дори-дармон билан ўзлуксиз таъминлашда ўз ифодасини топмоқда. Репродуктив ёшдаги беш миллион нафардан ортиқ аёл ва олти ёшгача бўлган болаларнинг қарийб

Лилия СТРУНИКОВА, Ў.А. шарҳловчиси.

2008 йил учун обуна давом этмоқда

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси — 205.

ЯКШАНБА 30



Частное предприятие "BK-RICHAKOVA" Чиланзарского района г. Ташкента (ОКПО 20154679)
ЛИКВИДИРУЕТСЯ.

Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления по тел: 274-73-02.

Утерянный аттестат об окончании 11 классов О'Р-В № 020085 от 1996-97 учеб. года выданный средней школой № 259 Юнусабадского района г. Ташкента на имя Ли Марианы Геннадьевны,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ИП ООО "ARGE FASHION" Кйбирского района, Ташкентской области (ИНН 205714011) сообщает об уменьшении уставного фонда с 2 200 000 долларов США до 1 414 349 долларов США.

Претензии принимаются по телефонам: 161-02-45, 202-31-36.

Ўтмишсиз келажак ўй

Сўнгги йилларда юртимиз тарихи ва бу аждодлар ўтмиши ҳақида янги-янги маълумотлар аниқланмоқда. Қадимда шаҳар қишлоқларнинг пайдо бўлишига оид қизиқарли маълумоту далиллар одамларни лол қолдирмоқда. Бўстонлик заминидagi

Фанлар Академияси олимлари ва археологларнинг бундай хулосалари уларнинг ўзларини ҳам бу масканга қизиқишларини янада шундайлади ва айни кунда ҳам илмий изланишларни давом эттирмоқдалар.

қалаб олов ҳосил қилиш, овчилик учун тош қуроллар ишлатиш йўлга қўйилган. Думалоқ тош, тош пичоқ, қирғич, найза учи каби қуроллардан фойдаланилган. Уларнинг асосий емиши

иклим қаттиқ совуб кетган. Неандертал одамлар ноиложликдан ертўлалар қазиб, жон сақлаб бошлаганлар. Ана шу пайтдан қишлоқ шаклланиб, ўша даврдан бери одамлар бу ерда ўтрок



ЮЗ МИНГ ЙИЛЛИК ЖЎЖАКЕНТ

Олимлар қишлоқ ичида неандертал даврда яшаган одамларнинг манзили, яъни қорлар билан, айниқса, қизикмоқдалар.

Тўғри, Жўжакентдан ташқарида ҳам ибтидоий даврга оид қорлар бор. Аммо улар қишлоқдан 20-30 километр узоқда жойлашган. Жўжакент гори эса қишлоқ ўртасида. Бу қишлоқнинг ўтмиши неандертал даврларга оидлигини кўрсатмоқда...

Бу ерда яшаган қадимги одамлар асосан овчилик билан шугулланган. Шунинг учун бу давр «Ибтидоий тенглик» формацияси деб ҳам аталади.

Гордан чиққан топилавларга қараганда у даврда жисмларни бир-бирига иш-

турли хил мева, гўшт, ўсимликлар ҳамда илдишлар бўлган. Қийим сифатида эса асосан хайвон териларидан фойдаланишган.

Археолог, академик Окладников Жўжакент қорларини текшириб, қуйдаги хулосага келди. Мезазой эрасининг тўртламчи даврида шимолдан 1000 метр қалинликдаги музнинг сурилиб келиши ва Саржантау, яъни Коратошга келиб тақалиши натижасида ўлкада хайвонлар кўпайиб кетган. Бу эса овчиликнинг ривожланишига олиб келган. Аммо бу ҳодисанинг неандертал одамлар учун салбий таъсири ҳам бўлди. Шимол музлигининг яқинлашиб келиши уларни ташвишлантириб қўйган. Чунки, ўлкада

холда яшамокдалар.

Профессор Ўткир Исломов 1954 йили шу горда илмий изланишлар олиб борган. Гор ичи тўпрок қатламларини текшириб, қишлоқнинг пайдо бўлиш даврини илмий жиҳатдан асослаб, унинг ёши неандертал даврга бориб тақалиши ҳақида маълумот берган эди. Манбаларда айтилишича, қишлоқнинг цивилизациялашиб бориши аста-секин тошдан бронза даврига ўтишга сабаб бўлган. Бу эса асосан овчилик учун катта аҳамиятга эга бўлди. Ёғоч учига найза ўрнатиб, ов қилиш йўлга қўйилган. Бундан ташқари бронзадан қўчир, пичоқ ва бошқа ов қуроллари, турли буюм ва тақинчоқлар ясалган. Брон-

за қўчирлар ёрдамида қояларга ўзларининг ов жараёнларини ифода этувчи турли хайвонларнинг расмларини ўйиб солишган. Бу тасвирий санъатнинг ривожланишига ilk омил бўлган дейиш мумкин.

Тошкентдан 75 километр узоқликда бўлган Жўжакентдаги қорлардан топилаётган осори-атикалардан келиб чиқиб ҳамда олимларнинг хулосаларига таяниб, шуни айтиш мумкин, бу ҳудуд ўтмишини яхши билишлари лозим. Шунда халқимизнинг тарихий илдизи қаерларга бориб тақалишини билиб оламиз. Бунда эса Жўжакентга ўшаган қадимий ва навқирон қишлоқлар бизга асосий манба бўлиб хизмат қилади.

лий ишларни бошлаб юборишди.

Тарихсиз келажак ўй, деб бежиз айтмаганлар. Ўтмишни билиш ва аждодларга муносиб авлод бўлиш бизларнинг муқаддас бурчимиздир. Айниқса, ёшлар ўзлари туғилиб ўсган шаҳар ва қишлоқлари тарихи, юрт ўтмишини яхши билишлари лозим. Шунда халқимизнинг тарихий илдизи қаерларга бориб тақалишини билиб оламиз. Бунда эса Жўжакентга ўшаган қадимий ва навқирон қишлоқлар бизга асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Аъзам ЭРГАШЕВ,
Меҳнат фахрийси.
Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

Мулоҳаза

ҲАМИША АЗИЗ НЕЪМАТ

Яқинда ўзига тўқ хонадонда тўй бўлди. Катта тўйхоналарнинг бирида яхши ният билан эл олдига дастурхон ёзилди, халққа ош тортилди. Тўй жуда чиройли, файзли ўтди.

Аммо, сахарда берилган ошдаги бир ҳолат мени ханузгача ажаблантиради. Хар бир столга янгидан келиб ўтирган меҳмонлар олдига эндигина тандирдан узилган иссиқ нон қўйилапти. Аксарият меҳмонлар бутун нонни ушатиб, бурдаларини нари суришади. Дастурхонда нон бўлаклари тобора кўпайиб боради.

Тадбир яқунланди. Тўй эгалари дастурхондаги нон-неъматларни йиғиштиришга тушибди. Бироқ ҳеч ким бурда нонларга қиё бокмасди. Ўзларига керакли нарсаларни саранжомлашга, тўйхона қоровули нон бурдаларини йиғиштириб, қопларга жойлай бошлади.

Амаки, шунча нонни нима қиласиз, — қоровулдан сўрадим.

— Эй, ўғлим, кўрмайсанми, бу нонлар ҳеч кимга керак эмас. Агар йиғиштириб олмасан, мана бу хизмат қилаётган ёш-яланглар ташлаб юборишдан ҳам тоийшмайди, — деди қоровул амаки. — Уйга олиб бориб, тўғраб, қотириб қўяман. Бола-чақа билан еганча еймиз, қолганларини қўйларимга бераман. Балки, менинг бу ишим ҳам нотўғридир. Аммо, ахлатга ташлагандан кўра шуниси маъқулроқ деб ўйлайман.

Аслида, инсоннинг нонга эҳтиёжини ва у тайёр бўлиб, дастурхонга қўйилганича, минглаб одамлар-



нинг заҳматли меҳнати сингганлигини бир ўйлаб кўрсан, нон қақар қадри қанчалик каттигини туйиб олган бўларди.

Ўзбекистон хонадонини нонсиз тасаввур қилиш қийин. Дастурхонимиздан ҳеч қачон нон-чой аримайди.

Бир тасаввур қилиб кўрайлик. Эрта тонгда нонушта дастурхонимизда нон бўлмас. Фарзанд ва набираларимиз нон, деб термулиб турса. Ёки уйимизга меҳмон келса-ю, унинг олдига бир бурда нон қўймасак, ўзимизни қандай ҳис қиламиз?

Бу ҳақда гапираверсак, гап тугамайди. Аммо, нонни увол қилиш ва қадриозлантиришни оқламоқ мушкул.

Бундан қарийб ўн йил бурун Европа давлатларида бўлган акаларимиздан

бири айтган эди. У ерда нондан айрим бар ва кафе-ларда оғиз арктич сифатида фойдаланишса, баъзи жойларда ачитки сифатида қўлланиларкан.

Афсуски, бугун ўша машҳур давлатларда ҳам ун ва ун маҳсулотлари тақчиллиги кузатишмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, дунёдаги галла етиштирувчи мамлакатларнинг деярли барчасида бўғдойдан кўнгидагидек ҳосил олинмагани ва етарли захира жамғарилмаганлиги сабабли шундай вазият юз бериб, ун маҳсулотларининг нархи жаҳонда кескин ошиб кетди.

Яратганга шукрки, бизнинг деҳқонларимиз бўғдойдан мўл ҳосил олишди, омборларимиз донга тўлди. Дўконларимизда ун ва ун маҳсулотлари сероб. Тандирлар тўлиб нон ёпилмоқда. Бозору дўкон пештахталаридаги бир-бирдан мазали турфа нонларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Уларнинг нархини бир меъёрга сақлашга ҳаракат қилинмоқда.

Аммо, бу нонни хоҳлаганча еб, хоҳлаганча исроф қилиш мумкин дегани эмас. Хар бир неъматни борида қадрлаш лозим.

Шундай экан, хар бир ота-она фарзандларини инсон учун аталган неъматларни қадрлашга ўргатиш лозим. Айниқса, яхши ниятлар билан бошланган тўй ва бошқа маросиму маъракаларимизни ихчам, исрофгарчиликсиз ўтказишни одат қилсак, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Равшан РУСТАМОВ.

Меҳр чашмаси

СИЗДАДИР ИШОНЧИМ,
АЗИЗ ОДАМЛАР

Оҳангарон — бадиий ижоднинг турли жанрларида муваффақиятли қалам тебратиб келаятган қатор шоир адиблари билан вилоятимиздаги ўзига яраша мавқе ва нуфузга эга бўлган шаҳарлардан бири. Бунда ижодий фаолиятини эрта бошлаб, бир нечта китоблар чоп эттиришга улгурган шоира **Рохила Хофиз қизининг** ҳам муносиб ҳиссаси бор.



Бахт инъом этган.
Рохила Хофиз қизи шеърятда ҳамиша Ватан, миллат тақдири етакчи мавзу бўлиб келган, юксак инсоний тафаккур садоқат ва меҳр билан тарафдор этилган.

Тошдек тушиб,
богингизда бир гул бўлиб очилдим,
Хавзи кавсар чашмасида ташналигим қондириб.
Оҳангарон гулзоридида хуш хид бўлиб сочилдим,
Уйғур, ўзбек қалб кўридан ўчмас чироқ ёндириб.
Қалби оташ, меҳри дарё,
бағри осмон ўзбегим,
Юртингизда ардоқландим,
қадр топиб ўзлгим.

Уйғур шоирсининг кейинчалик ҳам бир қанча китоблари чоп этилди. «Қалам ва болам» (1977 й.), «Дил ороми» (1983 й.), «Хайт шундоқ» тўпламлари шеърят муҳлисари китоб жавонидан жой олди. «Баҳор совғаси», «Чинор шоҳлари», «Оналар овози», «Шеърлар», «Қизил шафқат», «Оҳангарон илҳомлари» тўпламларига унинг ҳам шеърлари киритилган.

Шеърятга меҳр Роҳилада жуда эрта уйғонган. Отаси хофиз Охун Бурхониддин хожи мумтоз адабиётга ихлосманд эди. Волидаи муҳтарамаси Турсунхоним Мухаммад Соиб Тағбир қизи ҳам ўз даврининг шоирнафас аёлларидан бўлган. Шеърхонлар оиласида улғайгани боис Роҳила ҳам бир умр шеър дардига ошно бўлиб қолди.

Рохила Хофиз қизи ҳозир айни ижодий камолот палласида. У ўзининг янги-янги мунис ва гўзал шеърлари билан муҳлисларини хушнуд этмоқда. **Нурали АБДУРАСУЛОВ.**

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг филология факультетини сиртдан битириб, 5-мактабда дарс бериш билан бирга ижодкор ёшларни «Илҳом» клуби атрафига бирлаштирди. Шу тариқа Оҳангаронда адабий мухит бир қадар яхшиланиб, истеъдодли ёшлар ўз иқтидорлари бўйича муҳлисларни топа олдидлар.


Рохила Хофиз қизи Ўзбекистонда яшаб Турон заминига содиқ фарзанд эканлигини намойиш этиб, ижод қилди. «Кимлигим сўраманг», «Фарзандлигим адо этиб» каби кўплаб шеърлари бунга мисол бўла олади. Унинг гўзал мисралари инсоннинг юрак-юрагига кириб боради, дил торларини чертиб ўтади.

Мен бировнинг устидан қулишга туғилмадим,
Мен бировнинг дастидан ўлишга туғилмадим.
Туғилдим ер-жаҳонни чаман қила гуллашга,
Мен туғилдим инсонни йиқилганда қўллашга.

Шоира ўзининг бу сатрларига бир умр содиқ бўлиб келмоқда. Унинг шеърлари одамлар орасида меҳр-оқибат, садоқат, муҳаббат ришталарини боғлашга хизмат қилмоқда.

Сиздадир ишончим,
азиз одамлар,
Меҳнатим, ихлосим қадрига етган.
Висолга зор бўлиб ўтганда дамлар,
Сиз менга шодлиғу

СканВорг



Рассом хангаси



Шавкат МУЗАФФАР чизган расмлар.

16-хаво

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 22 декабрь кунги Тошкентда хаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир, қор ёғади. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-3 даража совуқ, кундузи 3-5 даража илқ бўлади.

Тошкент вилоятида хаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир, қор ёғади. Айрим жойларда туман тушади. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда эсаятган шамол баъзи жойларда қучайиб, секундида 15-20 метрга етади. Кечаси 3 даража совуқ, 2 даража илқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Кулганга нима етсин?

Икки рус денгизчиси суҳбатлашяпти:
— Мен японларни яхши кўрайман!
— Нимга?
— Қўзларида эҳтирос кўринмайди!

Келинчака учта зонтик совға қилишибди. Буларнинг ҳаммаси унга керакмас, у дўкана бориб, бошқа бирор нарсага алиштиришни режа-лабди.

— Афсус, афсус, — дебди сотувчи, — бу зонтиклар бизнинг дўкондан олинмаган.

— Лекин кўндоғидаги этикеткада сизнинг дўконингизнинг номи ва манзили кўрсатилган.

— Демак, бу бизда тузатиш керак. Сиз дўкон иттиришини кўрмадингизми? У ерда «Зонтикларни таъмирлаш» деб ёзилган-ку?!

— Алло, жонганим! Сенми-сан? Менга теасанми, йўқми?
— Жиддий айтгансанми?
— Албатта.
— Бу масалани чуқур ўйлаб кўриш керак. Беш минутдан кейин кўнгирак қил-чи...

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82,
136-53-54.

Манзилимиз:

700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун рекалама ва эълон берувчилар масъулдир.